

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКISTON RESPUBLICASI ИИБ НАШРИ

№ 45 — 46 (3123—3124)

1998 йил 24 апрель, жума

Баҳоси эркин нарҳда

Маърифат дарси

МАЪНАВИЯТ — ИНСОН ТАФАККУРИНИНГ ОЛИЙ МАҲСУЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мажлислар залида ўтказилган навбатдаги маърифат дарси ана шу мавзуда бўлди. Мамлакатимиз фуқароларини, жумладан, ички иш-

лар идоралари ходимларининг маънавиятини ошириш, асрлар бўйи давом этиб келаётган маданият ва санъат дурдоналари билан таништириш, миллий урф-одатларни уларнинг ҳаётига сингдириш муҳим, дол-

зарб масалалардан бири деб қаралмоқда. Шу боис, жойларда ўтказилаётган маърифат дарсларида адабиёт ва санъатнинг таниқли ва иқтидорли ходимлари билан учрашувлар уюштириш кенг йўлга қўйилмапти.

Вазирликда ўтказилган навбатдаги маърифат дарсида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг назм ва наср бўлими муҳрири, шоир Сирожиддин Саййид ва Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат

нашриётининг бош муҳаррири, шоир Жонибек Субҳон билан учрашув бўлиб ўтди. Таниқли шоирлар маънавиятнинг инсон ҳаётидаги ўрни хусусида сузлаб, янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Ўз мухбиримиз.

Нуқтаи назар

ТАРБИЯ БЕРИШ — ЯШАШГА ЎРГАТИШДИР

«Насиҳат йўли билан тарбиялаш мумкин бўлган одамга қамчи, қиллич даркор эмас».

Беруний.

Ҳаётда ҳеч ким худбин, ўғри ёки қотил бўлиб туғилмайди. Янги туғилган чақалоқнинг олим ёки жиноятчи бўлишини олдидан башорат қила оласизми? Йўқ, албатта. Чунки ҳар бир инсон олган тарбиясининг маҳсули сифатида шаклланади. Яхши тарбия ўғил-қизга келажак учун йўл очса, тарбиясизлик уни жиноят ботқоғига судрайди. Баъзи ота-оналар фарзандларини богчага, мактабга юбориб, тарбия ўчоғи уша ер деб, чегараланиб қолмоқдалар. Айримлар эса молу-дунё билан бола дунёқарашини захарлашаётганини сезмай қолмоқдалар.

Мен бир оилани билман. Ота-она ичкиликка берилиб, икки фарзанд тарбияси билан шуғулланишни ҳавлларига ҳам келтиришмаган. Оиладаги бош фарзанд — қиз уйга фақат кечалари ётишга келади-ган бўлган. Яқинда тасодифан у билан суҳбатлашиб қолдим.

— Биласизми, — дерди у титраб, алам билан. — Мактабда дарс тугамаса дейман. Уйга боргим қелмайди, дугоналарим мендан ҳазар қилишади. Тушдан то тун ярмигача иккаласи ҳам бозорда ўтириб пул топади, сўнг келиб, фойда пулга вино олиб ичишади.

Ҳа, болаларга тарбия бериш — бу яшашга ўргатиш эканлигини баъзилар ёдларидан чиқариб қўймоқдалар.

Яқинда бошқармаимиз бошлиғи номига Олмалик шаҳрида яшовчи аёл — меҳнат ногиронидан хат келди. Бу мактубда унинг 16 ёшли ўғли узок йиллардан ўғри отасиз яшаётгани, охириги пайтда тамаки чекиш, спиртли ичимлик ичишга мойил бўлиб қолгани ҳақида ёзилиб, унинг инсон учун ёт одатларини йўқ қилишда ВЕИИ ходими Зоир Норхўжаевнинг хизмати катталлиги баён этилади. «Қисқа вақт ичида кўчабозори ўғлим айтганимни қиладиган, ҳалол меҳнат қилиб, пул олиб келадиган бўлди. Тангридан тезроқ тузалиб, соғайиб кетишимни тилаб, илтижолар қиладиган бўлгани мени қувонтирмоқда», — деб ёзади она ўз хатида. Бундай хатлар жуда кўп. Уларнинг мазмуни турли хилда бўлса-да, ички ишлар бўлими ходимларининг фидойилиги тилга олинаётгани бизни қувонтиради.

Фахриддин МУШТОВ,
милиция полковниги
Тошкент вилояти.

ОИЛА МАВЗУИДА БАҲС

Умар Сувонов раҳбарлигидаги жазони ижро этиш муассасасида «Оила ва жамият» мавзуда кеча бўлиб ўтди. Баҳс иштирокчилари турли саҳна кўринишларида туғри йўлдан, адашганлар ҳаётини талқин этишди. Инсон тарбиясига оид мавзуларда мунозара юритишди. Оналарни мадҳ этувчи, эзгулик ва ростгўйликни улғуловчи шеърларни ёддан айтиб, кўшиқлар кўйлашди.

Кечада маҳбуслар томонидан адабий-бадиий композициялар намойиш қилинди.

Тадбир якунида вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Довуд Маъдий, республика ИИБ жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари А.Ҳасанов, вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги С.Исломовлар сузга чиқиб, Оила йили муносабати билан шундай баҳс ўтказилгани айни муддао эканлигини таъкидлашди.

Ў.ҲАЙДАРОВ.

ЭЗГУ ИШ ДАВОМЧИЛАРИ

Абдулла ака Жуманиёзов асли қушқу-пирлик. У Ғозовот қишлоғида туғилиб, вояга етди. Ёшлигидан меҳнатда тобланиди, ўқиди, илм олди. Ўзининг зийраклиги, илмга чанқоқлиги билан мактабда тенгдошларига намуна бўлди. Ёшлигидан халқ осойишталигини сақлашдек фахрли касб эгаси бўлишга аҳд қилди.

Абдулла ака 1938 йилдан бошлаб, ички

ишлар идораларида ишлай бошлади. Деярли барча хизмат поғоналарини босиб ўтиб, Хонқа, Гурлан, Ҳазорасп, Хива туманлари ИИБларига раҳбарлик қилди. Ўзининг ҳалол меҳнати билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Абдулла ака Жуманиёзов 1950 йилдан 1953 йилгача Хоразм вилоят ИИБга бошчилик қилди. Вилоятда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда са-

марали ишлади. Орадан йиллар ўтди. Абдулла ака ҳаётда ўз яхшиликлари, ибратормуз меҳнати билан ёрқин из қолдирди.

Абдулла аканинг катта ўғли Наримон ота касбини танлади. Ҳалол хизмат қилди. Ички хизмат подполковниги Баҳодир Жуманиёзов вилоят ИИБ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари лавозимида, келини Жуманиёзова эса молия-иқтисод бўлимини бошқармоқда. Нева-

ралари Озод ва Шавкатлар ҳам бобосининг нурли йулини давом эттиришяпти.

Биз ушбу оила аъзолари билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг барчасида Абдулла акадек меҳнатга жўшқинлик, кишиларга меҳр-муруватли бўлишдек ажойиб фазилатлар мужассамлигини яққол сездик. Уларнинг нияти отасидек, бобосидек чинакам инсон бўлиб, ҳаётда эзгу из қолдиришдир. Биз сулола давомчиларига ниятингиз, орзу-умидларингиз ушалсин, деймиз.

Х.ЖАББОРОВ.

Суратда: ўз умрини эл осойишталигига бахшида этган Абдулла ака Жуманиёзов фарзандлари, неваралари даврасида.

Жумабой ҚОЗОҚ
олган сурат.



Хонқалик Олимбой Тошкентга молни қандай олиб бориш йулини роса излади. Кейин бирдан хаёлига келган фикрдан ўзи қувониб кетди. Қушнисидан «ДЭУ» русумли телевизорнинг янги қутисини сураб олиб, эски телевизорни жойлади ва йўлга тушди.

Тошкентга, жуда қалин дўстимнинг тўйига кетяпман, куруқ бормай деб, телевизор олиб кетяпман, — деди автобусда келаркан ёнидаги ҳамроҳига.

Бунақа совға Тошкентда ҳам топилади-ку, овора бўлиб, шу ердан олиб борасизми?

Овораси бор эканми, у дўстимга совгани пиёда кутариб борсам арзийди, — деди-да, ичида, сен нимани ҳам билар

динг, бу телевизор юзта телевизорга арзийди, деб қўйди.

Олимбой йўл бўйи ҳарчанд ўзини бамайлихотир

милиция ходими утиб қолди. У унғайсизланиб, дам телевизорга, дам юк халтасига қўл чўзиб саросимада қолди. Ҳайрият

ортига қайтиб кетди. Олимбой ёнидан қоғозни олиб, синчиклаб ўқиди ва атрофга аланглаб, туғри топиб келганига яна бир бор ишо-

ТЕЛЕВИЗОР НИМАНИ КЎРСАТДИ?

тутмасин, шайтон юрагига гулгула солиб, дам-бадам телевизорига қараб кўярди.

Нихоят автобус Тошкентга кириб келди. Олимбой қутини зуриқиб кутариб тушди. Шу пайт унинг олдидан икки нафар

улар сезишмади. Олимбой энгил нафас олиб, кукрагига туфлаб қўйди ва энгил машина ёллаб, дўстиники томон кетди.

Машина уни Қорақамиш даҳасининг қўп қаватли уйларида бирининг олдига ташлади-да, шиддат билан

ниб, юк халтани елкасига осди ва телевизорни кутариб йўлга тушди.

Шаҳар катта бўлгани билан бегона кишилар дарров кузга тушади. Айниқса, ўз соясидан қўрқиб, олазарак бўлиб, безовта қадам ташлайдиганлар тезда маълум булади. Навбатдаги

Шу сонга

тадбирни ўтказаятган С. Раҳимов тумани ИИБ ходимлари Олимбойни тухтаиб, суриштирганларида, у аниқроқ жавоб беролмай тилидан тутилди. Икки гапнинг бирида дўстиникига совға олиб келганини такрорларди. Ундан шубҳаланган ички ишлар ходимлари қутини очиб кўрдилар. Янги қутига етмишинчи йилларда ишлаб чиқарилган «Кварц-34» русумли телевизор жойланганди. Телевизор ичига эса... гийҳандлик моддаси яхшилаб жойланган экан. Шундай қилиб, телевизор антиқа «томоша» кўрсатди. Олимбой эса ўз қилмишини яраша жавоб бермоқда.

Ўз мухбиримиз.

КИТОБЛИК ТОЛМАС ХОДИМ

Осойишталик посбонлари

Вояга етмаганлар билан ишлаш кишидан қунт, эътибор талаб қилиши Самад Бобоёров дастлаб иш бошлаган пайтидаёқ англаган эди. У ҳуқуқбузарликка мойил бўлган усмир билан суҳбатлашар экан, аввало, унинг кўнглида кечаётган уйлари билиб олиш, ташвишларига шерик бўлиб, имкон қадар ёрдам беришга интиларди. Шу боис, кўпчилик болалар С. Бобоёровни ўзига яқин тутиб, кўнгилларидаги гапларни айтадиган бў-

лишди. Бу эса вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг калмаишига олиб келди. Самаднинг устози К.Мухторовдан урганганларини амалда қўллаши ҳам бу борада катта аҳамият касб этаётди.

— ВЕИН катта нозир, милиция капитани Самад Бобоёровнинг янгиликка интилувчанлиги, ўз устида ишлаши ва ҳаммиша сергаклиги кўпчиликка манзур бўлаётти, — дейди Китоб тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори У.Эргашев. — Вилоят ИИБда 1997 йил-

ги «Энг яхши милиция участка вакили ва вояга етмаганлар билан ишлаш нозир хонаси» кўрик-танловида иштирок этган бу посбонимиз хизмат хонаси бўйича воҳада биринчи ўринни эгаллади ҳамда 5 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Биргина бу эмас. Милиция капитани С.Бобоёров республика кўрик-танловида ҳам иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

Айни пайтда нозирнинг кенг ва ёруғ, чиройли нақшлар билан безатилган хонасида ёшлар билан профилактик суҳбат ўтказиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Китоб жавонидан ҳуқуқий мавзудаги китоблар, юртбошимизнинг асарлари, шунингдек зарур қўлланмалар ўрин олган.

С.Бобоёров 1981 йилда дастлабки иш фаолиятини пост-патруль хизматида бошлади. Тошкент Давлат университетининг тарих ва ҳуқуқшунослик факульте-

тини битиргач, уни кўриқлаш бўлимига ўтказишди. Беш йилдан буён эса ВЕИН катта нозир.

— Ушбу оила йилида кўпроқ жанжал чиқаётган хонадонларда профилактик ишларни олиб бораётган, — деди С.Бобоёров. — Бунинг асосий сабаби маълум, албатта. Ҳуқуқбузарликларга мана шундай хонадонларда яшаётган болалар йўл қўйишади. Маҳалла, мактаб, болалар боғчаларида ташкил этилаётган суҳбат ҳамда учрашувлар ўз самарасини бермоқда. Соғлом



ва баркамол авлодни вояга етказиш учун саъй-ҳаракатимиз зое кетмаётганидан мамнунман.

Эркин САТТОРОВ.

ХОНАДОНДА... ФИРИБГАР

ХИКОЯТ. Кунлардан бир куни бир одам занжирбанд девонани Фазнанинг дорушифосига етаклаб келди. У эса ҳаял ўтмай кўп ширин сўзлар билан у ердаги одамларни ўзига махлиё қилди. Одамлар девонанинг сўзларини эшитишга ошиқиб, унинг чор атрофини ўраб олдилар. Уларнинг орасида ҳарир салла ўраган ўзига тўқ одам ҳам бор эди. Суҳбат қизиқ кетган бир пайтда девонанинг шериги ҳалиги одамнинг салласини бир-икки еридан қирқиб қўйди. Кейин билиб қолиб, ўша одам кўп койинди, девона эса унга тасалли бериб деди:

— Хафа бўлма, биродар! Фалон ерда яхши бир ямоқчи бор. Борсанг, саллангни билинмайдиған қилиб тўрлаб ямаб беради.

У ямоқчиникига борди ва икки мисқоллик кумуш танга бериб, салласини тўрлатиб олди. Орадан бир мунча вақт ўтгач, у ўша девонани бозорда учратиб қолди. У одамларни яна атрофига йиғиб гап сотаётган экан. Бўшагандан кейин ёнига борди ва ҳол-аҳвол суриштирди.

— Мен, — деди девона ниҳоят, — аслида жинни-пинни эмасман, мана бу мени етаклаб юрган одам билан ямоқчига шерикман. Биз шу йўл билан харидор излаб, тирикчилик ўтказамиз....

Донишманд аждодларимиздан бири ёзиб қолдирган ва бизгача етиб келган бу воқеа мушоҳада юритишга ундайди. Бир девонанингки ҳийла-ю найранги шунчалик экан, бизнинг замондаги бировлар ҳисобига яшашни касб қилиб олган баъзи устаси фаранглардан нимани кутиш мумкин? Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Менжон кўчасида истиқомат қилувчи Ҳошим ака Миролимов Чкалов метро бекати яқинидаги «Бир зумда» ошхонасида ҳамюртлари билан танишиб қолганда бу ҳақда уйлаб ҳам кўрмаган эди.

— Мен ва хотиним Малоатхон асли андижонликмиз, — деди Б.Розиев тавозе билан. — Шу ошхонада тирикчилигимиз утаётти. Кам бўлаётганимиз йўқ, ризқимизни териб юрибмиз. Келиб турсангиз бошимиз осмонга етади.

Бундай мулозаматдан сўнж Ҳошим аканинг вужудида илиқлик уйғониб, бу ерга тез-тез келадиган бўлди. Ҳамюртларини бир-икки уйига меҳмонга ҳам так-

лиф қилди.

Малоат Ҳужамбердиеванинг асл башараси Ҳошим ака машина сотиб олмақчи эканлигини айтган дақиқадан очила бошлади.

— Вой сизни қаранг, шунинг ҳам ташвишини қилиб юрибсизми, — деди у ялтоқланиб. — Андижонда эримнинг танишлари тўлиб ётибди. Бир имо қилсалар, ҳали мойи артилмаганидан келтириб беришади. Арзонлигини айтмайсизми...

Бу сўзлар Ҳошим аканинг ақлини ўғирлади. Уйлаб ҳам ўтирмай эртасига 1000 АҚШ долларини Малоатхонга санаб берди. Аммо хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Орадан бир неча кун ўтиб хабар олиш учун борганда «Бир зумда» ошхонаси олдидида турган шалағи чиққан машинани кўриб, хафсаласи пир бўлди.

— Ваъда қилинган «тойчоқ» шуми ҳали? — деди Ҳошим ака астойдил хафа бўлиб. — Бу машина менга ёқмади. Яхшиси, пулимни қайтариб беринглар.

— Пул сизники, уни албатта олмасиз, — деди Малоат тилёғламалик билан. — Аммо бир таклиф айтаман, яхшилаб уйлаб қури- нг. Агар яна 700 АҚШ дол-

лари бериб турсангиз мана шу ошхонани сотиб оламиз. Ана унда куриб турибсизки, пичогимиз мой устида-да...

Одатда чойдан оғзи куйган одам қатқини ҳам пуфлаб ичади. Аммо фириб бериш санъатини обдон эгаллаган Малоат шундай аврадики, Ҳошим ака у айтган пулни қандай келтириб берганини ўзи ҳам сезмай қолди. Орадан кунлар, ойлар ўтса ҳамки, ошхона сотилишидан дарақ бўлавермагач, Ҳошим ака алданганини сезиб қолди. Бу орада Малоат ва эри қаёққадир ғойиб бўлишди. Ҳошим Миролимов бир йилга яқин уларни излади, бир неча марта Андижонга ҳам бориб келди...

Биргина бу эмас, эр-хотин фирибгарлар ўзлари ишлаётган ошхонада пойтахтдаги Шифокорлар шаҳарчасида яшовчи А.Даминовдан тижорат ишлари учун деб 250000 сўм пулни олиб, жиноят жойидан яшириндилар.

Ҳар қандай қинғир ишнинг чеки бор, деганлари тўғри. Милиция ходимлари хабар топишгач, одамларни лақиллатиб, пулини шилиб юрган найрангбозлар қўлга тушди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 177-моддаси 3-қисми ҳамда 168-моддаси, 4-қисми билан валюта қийматларини қонунга хилоф равишда кўп миқдорда олиш ва фирибгарлик қилганликда айбландилар.

Яқинда Ҳамза тумани судининг судьяси Нигора Тожибоева томонидан ушбу жиноий иш кўриб чиқилиб, жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олишди.

Суд ҳукми билан танишиб чиқиб, беихтиёр уйга толасан киши. Нега баъзи кимсалар одамлар ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкани қўлга киритишга уринмоқдалар? Жамиятимиз учун ижтимоий хавф-

ли бўлган ушбу иллатнинг илдизи қаерда?

— Бундай жиноятга асосан меҳнатдан бўйин товлаган кимсалар мўмай пул топиш мақсадида қўл уришяпти, — деди Нигора Ортиқовна биз билан суҳбатда. — Кўпроқ квартира олиб бераман, мебель ёки чет элдан бирор буюм келтириб бераман, деб одамларни лақиллатиб кетишади. Кейинги пайтда таниш-билишга юридик ҳужжатсиз қарз бериб, ололмай юрган, шунингдек устама фоизни деб тушиб қолаётганлар ҳам учраб турибди. Мен кўриб чиққан суд жараёнларида фирибгарлик ҳолати аввалги йилларга нисбатан 1996—97 йилларда бир мунча кўпайгани кузатилмоқда. Бу эса фуқароларимизнинг ниҳоятда сезгир бўлишларини талаб этади.

— Эркакларни қўятурайлик, айрим аёлларимиз турли ҳийлалар билан ўзгалар мулкига эгаллик қилишга уринишаётгани ва бу билан ўз номларига доғ туширишаётгани жуда ачинарлидир.

— Тўғри айтасиз. Яқинда газетада бухорлик бир аёл қидирилайганини ўқиб қолдим. Қош-қўзлари қоп-қора, сўқсурдек. Унинг сурадини кўрган киши сира ёмон хаёлга бормайди. Аммо бу аёл фирибгар экан.

Шундай жиноят билан машғул бўлган кишиларнинг оиласи, маҳалласидаги обрў-эътибори қай даражада эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг. Энг аянчлиси, бировни алдаб юрган одамнинг хонадониди тинчлик бўлмайди, турмуш зийнати, рўзгорини баракаси кетади. Айтинг-чи, шу тарзда яшаб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳалол меҳнат билан, тинч, осуда ҳаёт кечиришга нима етсин!

Саъдулла ШОДИЕВ.

«МОТОЦИКЛ» ТАДБИРИ

Одатдагидек, апрель ойида шаҳарликларнинг тоғли ва адирли худудларга дам олишга боришлари бошланади, кимдир энгил автомашинада, ёшлар эса мотоциклларда дам олишга чиқишни маъқул кўрадилар. Тошкент вилояти ИИБ Давлат автомобил нazorати бўлими ходимлари йўлларда турли хил транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида «Мотоцикл» тадбирини ўтказмоқдалар. Вилоятнинг Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон каби тоғли туманларида тадбирга алоҳида эътибор бериляпти. Бу ерда хизмат курсатаётган ДАН ходимларига вилоят ИИБ ДАНБ томонидан ёрдам курсатилиб, кўшимча кучлар ажратилди.

Асосий эътибор мотоцикл ҳайдовчиларнинг йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқармасликлари, йўл қодаларига риоя этишларини назорат қилишга қаратилган. Айрим ҳолларда ҳужжатсиз ёки эгасиз мотоциклларни ҳайдаб юрувчилар ҳам учрайди. Оромгоҳларда дам олиб, маст ҳолда рулга утирадиганлар, ким ўзарга баҳс бой-

лаб, тезликни оширадиган қизиққонлар ҳам топилади.

«Туйтепа — Оққўрғон — Янгийўл» йўлида Оққўрғон тумани «Маданият» жамоа ҳужалигида яшовчи М.Кучимов «Москвич» русумли автомашинасида бораётиб, мотоциклни бошқариб келаётган Алимкент қўрғонидаги У.Юсупов кўчаси, 7-уйда яшовчи И.Сахатиддинов билан тўқнаш кетди. Натижада мотоцикл ҳайдовчиси қаттиқ жароҳат олиб, касалхонага ётқизилади.

Вояга етмаган болаларнинг мотоцикл, мотороллер ҳайдаб юрганлари учраб тургани боис, ота-оналардан болаларига ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаганларга бу транспорт воситаларини ҳайдашга рухсат бермасликлари зарурлигини эслатиб утамиз. Чунки, мотоцикллар иштирокида содир бўлаётган ҳодисаларга, асосан, ёшлар, вояга етмаган болалар сабаб бўлмоқда.

И.САИДҚАРИМОВ,
милиция катта лейтенанти.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани ИИБ томонидан Шаҳрисабз шаҳар, Навбахор кўчаси, 22-уйда яшовчи, 1981 йилда туғилган **Дилафрўз Иноятова** қидирилмоқда. У 1998 йил, 9 апрель куни соат 8.30 лар чамаси уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Узи билан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, зар куйлак, кулранг жемпер, таги қора гулли кремплин халат, шунингдек хинд актёрлари фотосуратларини олиб чиқиб кетган.

Белгилари: бўйи 165—170 см., сочи узун, қора, қўшимча соч тақиб юради.

Кийимлари: эғнида кўк куйлак бўлган. Дилафрўз Иноятовани қўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан яқин ўртадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Фарғона вилояти Қувасой тумани ИИБ томонидан 1973 йилда туғилган, Қувасой шаҳар Валик қишлоғида яшаган **Оловиддин Саймуддинов** қидирилмоқда. У 1993 йил 23 июль куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 180—183 см., қотмадан келган, сочи қора, калта қилиб олинган, мўйлови бор, юзи чўзинчоқ, кузи ва қоши қора.

Кийимлари: эғнида энги калта оқ йўлли куйлак, кулранг жинси шим, оёғида қора туфли бўлган.

Алоҳида белгиси: чап ёки унг оёғининг тиззасида чандиқ бор.

О.Саймуддиновни қўрган-билганлар Қувасой тумани ИИБга 3-27-91, 3-27-65, 3-27-89 ёки 02 телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.



ЧОРШАНБА, 29

УЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Куйла, Ўшлгим». Мусикий дастур.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусаввир нигоҳи».

УЗТВ II

18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртақлари».
18.35 «XX аср жиноятлари». Теле-сериял.

УЗТВ III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокурсатув.
РЖТ 6.30 — 8.00
17.20 — 20.40

УЗТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.50 «Мультимоша».
19.10 «Морена Клара». Теле-сериял.

30-канал

9.05, 14.00, 18.00, 20.00, 21.00 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «МИХ». Дам олиш дастури.

КозТВ

5.30—7.00 «Кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб суйла».
15.50 «Хит-парад».
16.00 «Телефильм».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.25 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Машъум мерос». Сериял.

РДТ

6.00 Мультифильм.
6.15 «Уйгон».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 18.00, 23.00 — «Вести».

ТВ-6

8.05, 10.55, 13.45, 18.50 — «Севсанг — кара». Видеокиллерлар.
8.10, 17.15 — Мультифильм.
8.35, 18.00, 01.00 — «Диск-канал».

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 11.00 — «Бугун эрталаб».
10.05, 23.50 — «Уддабурон Уокер: те-хасча одил суд». Сериял. «Лукас». 2-қисм.

Ёшда. Андрей Болтнев, Нина Русланова ва Андрей Мирован Алексей Германнинг «Душим Иван Лапшин» фильмида.

АСТ

10.00, 15.00, 20.00 Мультифильм.
10.25 «Телефонда жоиз бўлмаган суҳбат. Меҳмонхоналар».
11.25 «Гавда ва қалб». Теле-сериял, 5-қисм.

REN TV

14.00 «Лабиринт» телесериали
15.00, 20.00 REN TV янгиликлари.
15.15 TV-shop.
15.45 «Сиртмоқ» фильми, 2-қисм.

комедияси.
0.20 «Рози ва норози» ток-шоу-си.
1.20 «Монти Пайтоннинг самовий цирки».

ТВ МАРКАЗ

6.50, 8.15 «Навигатор». Ахборот-кўнғил очиб дастури.
9.45, 18.45 «Клубничка» телесериали.
9.45, 18.20, 2.50 Тижорат калейдоскопи.

КИДИРИЛМОҚДА



Наталья Васильевна Жалнина, 1910 йилда туғилган, Содиқов-Ярославль кучаси, 7-уй, 7-хонадонда яшаган. 1994 йил 9 ноябрь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: буйи тахминан 170 см, туладан келган, юзи чўзинчоқ, сочи тугри оқарган калта олинган, қоши ёйсимон, тишлари ясама.

Алоҳида белгиси: паришонхотирлик хасталигига мубтало бўлган.

Ўқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки улар ҳақида бирор маълумотга эга бўлганлар Мирзо Улугбек тумани ИИБга 67-72-75, 67-33-50, 67-33-62, 67-47-07 ёки 02 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.

ПАЙШАНБА, 30

УЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Лирик тароналар.

УЗТВ II

18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Теле-сериял.

УЗТВ III

17.15 Янгиликлар.
РЖТ 6.30 — 8.00
17.20 — 20.40

22.40 «Ёзув столдан репортаж».
23.05 «Ахборот».
«Сомон йули» маърифий-дунёвий курсатувлар мажмуаси:

УЗТВ II

18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Теле-сериял.

УЗТВ III

17.15 Янгиликлар.
РЖТ 6.30 — 8.00
17.20 — 20.40

23.05 «Нафосат оламида».
23.25 «Ахборот» (рус тилида).
УЗТВ IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси курсатувлар мажмуаси:

30-канал

9.05, 14.00, 18.00, 20.00, 21.00 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
9.25, 15.50 — «Карапуз-ТВ».
10.00 «Висол». Мусикий дастур.

КозТВ

5.30—7.00 «Кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб суйла».
15.50 «Хит-парад».
16.00 «Сизда ҳуқуқ бор...».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.45 — Янгиликлар.

9.05 «Инсон ва қонун».
9.40 «Ҳамма уйдалиғида».
10.15 «Хонаки кутубхона».
10.25 «Жентльмен-шоу».
11.15 «Биргалашиб» дастури.

РДТ

6.00 Мультифильм.
6.15 «Уйгон».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.35 — «Вести».

ТВ-6

8.05, 10.55, 14.40, 18.50 — «Севсанг — кара». Видеокиллерлар.
8.10, 17.25 — Мультифильмлар.

9.40, 12.40 — «Сифат белгиси».
9.50 «Центер» дориномалари.
10.00, 19.55 — «Кўшнинг учинчи сайёраси». Ҳажвий сериял, 42,43-сериялар.

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 11.00 — «Бугун эрталаб».
10.05, 23.50 — «Уддабурон Уокер: те-хасча одил суд». Сериял. «Унутилган одамлар».

АСТ

10.00, 15.00, 20.00 Мультифильм.
10.25 «Телефонда жоиз бўлмаган суҳбат. Уйинчоқ савдоси».

20.40 «Москва гомерикони».
21.00 «Ойлавий сабабларга кура». Теле-сериял, 1-қисм.

REN TV

14.00 «Лабиринт» телесериали.
15.00, 20.00 REN TV янгиликлари.
15.15 TV-shop.
15.45 «Сиртмоқ» фильми 3-қисм.

ТВ МАРКАЗ

6.50, 8.15 «Навигатор». Ахборот-кўнғил очиб дастури.
9.45, 18.45 «Клубничка» телесериали.
10.15 Ён дафтаре.
10.20 Асрлар қазирдан.

КИДИРИЛМОҚДА
Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани ИИБ томонидан Карл Филиппович Крей қидирилмоқда. У 1949 йилда туғилган, Юнусобод даҳаси, 19-мавзе, 18-уй, 149-хонадонда яшаган.

ЯКШАНБА, 3

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Демократия тамойиллари».
11.20 «Махалламиз болалари».
Телемусобақа.
11.55 «Ҳиммат».
«Ёшлар» телеканали
12.20 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
12.40 «Эстрада ва ёшлар».
13.00 «Оқибат».
13.25 «Табассум кўчаларида».
14.15 «Санъат олами».
14.35 «Туркий қавмлар». Дўрмон.
14.50 — 15.50 «Ҳамма қуриши шарт...эмас».
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Трактор» (Тошкент). Танаффус пайтида — «Мультолам».
18.50 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
20.30 «Хафтаном».
21.05 «Якшанба оқшомида».
21.45 Телевизион миниатюралар театри.

Спорт дастури:

22.20 1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.
23.35 Ўзбек кинеси ижодкорлари.
23.55 «Махфий дипломатия». Бадий фильм. 5-серия.

ЎзТВ II

8.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
8.25 Эмин Усмонов. «Қуриқонада». Видеофильм.
9.40 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
9.50 Саргузашт фильмлар экрани.
10.35 «Дилбарим».
10.50 «Таурас куч тўпلامоқда». Телевизион сериал.
11.30 «Дойче Велле» тақдим этади...
11.50 Болалар экрани. «ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ:
13.20 Курсатувлар дастури.
13.25 Жаҳон халқлари эстрадаси.
13.45 «Нью-Йорк». Телевизион сериал.
14.35 Интер-футбол.
15.15 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Телевизион сериал.
16.05 «Сиз ёқтирган қўшиқлар».
16.20 «Бари ҳазил».
16.30 Мультипанорама.
17.00 «Санта-Барбара». Телевизион сериал.
17.40 «Қалб таронаси».

18.05 «Даракчи».
18.15 «Буш ўтирма».
18.35 «Турфа олам».
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Изҳор».
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Хафтаном».
21.05 «Даллас». Телевизион сериал.
21.55 Миллионлар ўйини.
22.15 «Даракчи».
22.25 «Жараён».
22.45 Якшанба кинозалли.

ЎзТВ III

Россия жамоат телевидениеси
18.15 — 23.40
23.45 — 00.10 «Панорама» (рус тилида).

ЎзТВ IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртақларнинг сехри олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс». Бадий-публицистик курсатув.
14.30 «Жонли сайера».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип-антракт.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

30-канал

9.05, 13.40, 18.00, 19.50, 21.10 — «ТВ-ҳамкор». «Метеохабар».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 Ҳужжатли кино.
11.00 «Болалар киносеанси».
12.45 «Ўз ҳисобидан таътил». Мелодрама. 2-серия.
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 «Якшанба киносеанси».
17.00 «МИХ».
17.30 «Моделлар академияси». Сериал.
18.20 «Манстрлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
20.10 «Альфред Хичкок таништиради». Телевизион сериал.
20.40 «Висол». Мусиқий дастур.
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Кордые». Детектив сериал (АҚШ).

23.05 «XL-music». Мусиқий дастур.
23.30 Спорт дастури.
24.00 «Фестиваллар фестивали».
01.35 «Метеохабар».

ҚозТВ

7.05 «Уйғон ва куйла».
7.35 «Фудзияма». Спорт машқлари.
7.50 «Харбий қасамедга содиқ».
8.10 Мультифильм.
8.40 «Талисман» болалар видеостудияси «Сафари» янгиликлар дастури таништиради.
9.10 Мультисериал.
9.35 «Еркем-ай».
10.00 «Экспресс-FOOD».
10.25 «Телекурганма».
10.55 «Сизда ҳуқуқ бор...»
11.10 «Энг муҳим бойлик».
11.30 «Энци балапан».
12.00 «Сирлашайлик». Аёллар учун тележурнал.
13.00 «Ипак йўли». Телеэкспедиция.
13.30 «Замин соҳиби».
13.50 «Ютуқ» салони.
14.20 «Хотиралар архиви».
14.45 «Муҳаббат бусаси». Дмитрий Маликов куйлайди.
15.40 «Ёшлар: муаммолар йўқми?».
16.15 Ёрболат Олжабаев курсатуви.
16.35 «Сифат».
17.00 «Баимбобелло печеньеи». Бадий фильм.

18.00 «Шахс». Жанна Ахметованинг муаллифлик курсатуви.
18.30 «Формула S». Ибраш Нусубаев курсатуви.
18.50 «Мусиқий қарвон».
19.00 «Фавор». Эркалар учун тележурнал.
19.30 Қозғистон Республикаси халқ артисти Роза Эширбекова бенефиси.
20.10 Бадий фильм.

РЖТ

7.00 «Буратионинг саргузаштлари». 2-серия.
8.10 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
8.20 «Лотто-Миллион».
8.25 «Спортлото».
8.30, 15.30, 15.55 — «Дисней-клуб».
9.00, 14.00, 23.40 — Янгиликлар.
9.10 Дм. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Тонг юлдузи».
11.05 «Бир нодир асар тарихи».
11.30 Саргузаштлар «Озод яшовчилар» фильмида давом этади.
13.00 «Шерлар ҳукмдори» фильмида озод қолганлар.
14.20 «Россия империясининг тожи».
16.25 Қадимий қўшиқлар.
18.15 Олтин серия. «Омадли жентльменлар». Комедия.
20.00 «Время».
20.50 «Киноафиша».
20.55 Телеэкранда биринчи марта. «Янги центурионлар».

22.55 «Кумушранг шар». Рина Зелёная. Курсатуви В. Вульф олиб боради.

РДТ

6.00 «Тонги экспресс».
6.50 «Ватанимга хизмат қиламан!»
7.15 «Миллионерлар». Болалар учун фильм (Чехия).
8.25 «Маски-шоу».
8.55 «Ўз-ўзига режиссёр».
9.25 «Хайрли тонг, юртим!».
10.15 «Афсунгар. Буюк Аждаҳо ватани». Телевизион сериал.
11.10 Усмилар учун дастур.
12.05 «Парламент соати».
13.00 «Вести».
13.20 «Китоблар олами» Леонид Куравлёв билан.
13.45 «Эҳтиёт булинг, модерн!».
14.15 «Қонун ва тартиб». Телевизион сериал.

15.10 «Хайвонлар ҳақида мулоқотлар».
16.05 «Мутлақо махфий».
17.00 «Рус лотоси».
17.40 «Эски квартира. 1971 йил». 1-қисм.
19.00 Урмас Отт Илья Глазунов билан.
20.00 «К-2» таништиради.
21.00 «Қузғу».
22.00 Евгений Миронов ва Наталья Петрова Валерий Тодоровскийнинг «Севги» лирик драматизациясида.
23.55 «Русча жанг».

ТВ-6

8.05 Кино мусиқаси.
8.45, 18.35 — «Йул назорати».
9.00 Мультифильм.
9.25 Мультисериал.
9.55 Болалар сеанси.
11.20 «Харидингиз учун ташақкур!» теледуқони.
11.40 — 17.05 — «Севсанг — қара». Видеокилллар.
11.55 «Мазаси озгинда қолади». Таомлар шоуси.
12.30, 18.30 — «ТСН-6».
13.00 Дам олиш куни сериали. «Ўзоқ чайлалар». 4-серия.
14.00 «Канон».
14.35 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида».
15.05 «Йил котибаси» конкурси.
16.15 «Мен ўзим» ток-шоуси.
17.25 «Хафта спорти».
18.00 «Рекордларга қасдма-қасд!». Ҳажвий дастур.
18.50 «Максидрон».
20.00 «Обозреватель» тахлилий курсатуви.
21.00 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
21.15 «ТВ-6» кинотеатри. «Сув остида йигирма минг лье». 1, 2-сериялар.
00.50 «ТВ-6» таксиси.
01.05 — 03.15 Тунги сеанс. Дэвид Линчнинг «Кук баҳмал» фильми (АҚШ).

НТВ

9.00 Тонги сеанс. Любовь Орлова, Сергей Столяров ва Павел Массальс-

КИДИРИЛМОҚДА



Тошкент шаҳар, Сирғали тумани ИИБ томонидан Резида Ренатовна Зокирова кидирилмоқда. У 1982 йилда туғилган. Тошкент шаҳар, Чилонзор даҳаси, 1-а уй, 26-хонадонда яшаган. 1998 йил 22 январь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.
Белгилари: бўйи 160 см, уртача гавдали, юзи чўзинчоқ, сочи тимқора, қоши ёйсимон, кўзлари оч жигарранг, бурни тўғри, лаблари дўрдоқ, ияги чиққан.
Кийимлари: бошида ангор теллак, камзул, оқ-қора жунли жемпер, оёғида қора этик булган.
Резидани кўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Сирғали тумани ИИБга 58-05-94, 58-02-42, 58-02-60 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.

кий Григорий Александровнинг «Цирк» мусиқий комедиясида.
10.30 Мультисериал.
11.00 «Бугун эрталаб».
11.10 «Полициячиларнинг оддий иш кўнлари».
11.30 «Мени тушун» телеуйини.
12.00 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Зена — жангчилар қироличаси». 20-серия.
12.45 «Винт»дан бошлаб...»
13.00 Мультивоқеалар.
13.30 «Бола тилидан» телеуйини.
14.00 Кино олами. «Агентнинг тугатилиши» комедияси (Чехия).
15.35 Мультифильм.
16.00 «Рус асри». Виктор Астафьев Андрей Караулов билан сўхбатда.
16.30 «Криминал Россия. Замонавий хроникалар». Ҳужжатли сериал. 11-фильм — «Уч кишини даф қилиш керак».
17.00 «Бугун кундузи».
17.15 «Байяр форти калити» телеуйини (Франция).
19.00 «Яқунлар». Муқаддима.
19.20 Кино олами. Милош Форманнинг «Регтайм» бадий фильми (АҚШ).
22.00 «Яқунлар».
23.00 Кино олами. Оливье Грюнер «Ёланган» жангари фильмида (АҚШ).
01.00 «Яқунлар». Тунги сўхбат.
01.30 «Яқунлар». Спорт.
02.00 — 02.55 Катталар учун тунги эртак. «Шахризода». 3-серия.

19.30 Хит-FM мусиқий дастури.
20.40 Буларнинг барчаси - кино.
21.15 «Авли» телесериали, 41-қисм.
23.30 — 0.00 Мусиқий вернисаж.

REN TV

14.00, 0.25 Кремль атрофида.
14.30 «Лос-Анжелес қонуни» телесериали.
15.30 «Гаройиб воқеалар» телесериали.
16.00 «Жиллетт» нигоҳида спорт олами.
18.30 «Моделлар академияси» сериали.
19.00 «Манстрлар оиласи» комедия сериали.
20.00 «Махфий материаллар» сериали.
21.00 «Альфред Хичкок тақдим этади» телесериали.
22.30 «Кордые» телесериали.
0.55 «Қалблар тугёни сентиментал киноқиссаси (Япония).

ТВ МАРКАЗ

«Биринчи рақамли кутубхона» Хайрия телемарафони.
8.00 Якшанба мактаби.
8.10, 10.15, 17.40 Мультифильм.
8.45 «Бўқри тойчоқ» фильми.
10.45 А. Габриловичнинг «Болалигимиз цирки» фильми.
11.45 Телемарафоннинг очилиши.
12.40 Бизлар билан қолинг!
12.55, 16.55 Янгиликлар.
13.00 Бергамолик Труффальдино» фильми.
15.20 Телемарафон.
16.05 «Бир юз» телеуйини.
17.20 Телемарафон.
17.55, 0.00 «Санъат усталари маданият ҳимоясида» концерт дастури.
19.00 «Шамолларга соврилган ҳисларим» фильми 1-қисм.
21.00 Этминчи кун.
21.45 «Шамолларга соврилган ҳисларим» фильми 2-қисм.
0.45 «Харакатдаги орзу» Бадий фильм.
2.25 Бозор.
2.55 — 3.21 «Интернет-кафе».

Ҳамза тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Содиқжон Турсунович АХМЕДХУЖАЕВни таваллуд кунлари билан қизгин муборакбод этамиз. Дустимизга узоқ умр, саломатлик, юрт ва эл хизматидаги масъулиятли ишларида ютуқлар тилаймиз.

Дўстлари, ҳамкасблари.

Хўрматли адажонимиз — Мирзо Улугбек тумани ИИБ ЖКБ ходими, милиция капитани Илёс Рўзибоевич МУСТАФОЕВНИ 34 баҳорни қаршилаётганликлари билан чин юракдан табриклаймиз. Адажонимизга соғлиқ-омонлик, аъло кайфият, боқий умр тилаймиз. Ҳамиша бор бўлсинлар, биз билан бир бўлсинлар!
Рафиқаси Гулнозахон, фарзандлари Дилноза, Лазиза, Ситора, Жаҳонгирбек ва синглиси Марямхон.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Нақлиёт ИИБ ЖКБ бошлиғининг уринбосари, милиция подполковниги, оиламиз сунанчи — азиз адажо-



Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ «Шон-шухрат» музей бошлиғи, милиция подполковниги Мухтор Юсупович МИРЗАЕВНИ табаррук 55 ёши билан самимий муборакбод этадилар.
Ўзбекистон милицияси тарихини бойитиш, элнинг хизматида бўлган, юрт учун жон фидо қилган осойишталик посбонларининг хотираларини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларда М. Мирзаевнинг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. Биз бу савобли ишда у кишига муваффақиятлар, узларига узоқ умр, саломатлик, оилавий бахт тилаймиз.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ участка катта вакили, милиция майори Т. НУРАЛИЕВГА!
Қадрли Тоир ака! 28 апрель — сермазмун умринингизнинг 44-баҳори ва ички ишлар хизматида меҳнат фаолиятининг 20 йиллиги билан самимий табриклаймиз. Бахтимизга ҳаммиша соғ булинг. Ишингизда доимо муваффақият ёр бўлсин.

Укаларингиз ва сингилларингиз.



Табриклаймиз!

нимиз Раҳим Умарович СОБИРОВНИ таваллуд кунлари билан муборакбод этишдан гоятда бахтиёримиз! Дилдаги энг яхши тилақларимиз, тилдаги энг яхши сўзларимиз бугун у кишининг шаънига бўлади. Тугал бахт бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Рафиқаси Маъмура, фарзандлари Дилором, Дилдора, Динора, Нигора, Умидахон, Азизхон, невараси Баҳромхон.

Юнусобод тумани ИИБ 2-шаҳар милиция бўлими участка катта вакили, милиция капитани Сайидазим Сайдуллаевич ШАЙВАЛИЕВНИ 27 апрель — таваллуд топган куни муносабати билан чин дилдан табриклаймиз! Ҳамкасбимизга узоқ умр, соғлиқ, оиласига бахт ва қувонч тилаб, омад доимий ҳамроҳи бўлсин дейимиз.
2-шаҳар милиция бўлими шахсий таркиби.



Жондек азиз суякли ояжонимиз ДИЛФУЗАХОН!
Сизни шоиста байрамингиз тугилган кунингиз билан табриклаймиз биз учун кичик бир бахт. Сиз билан бирга қувончларингизга шерик бўлиш эса улкан саодат. Илоҳим, шундай кунларимиз ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа давом этаверсин.
Дилбандларингиз Комила, Дилноза, турмуш ўртоғингиз Рустамбек.

Зангиота тумани ИИБ хузуридаги қуриқлаш бўлинмаси ходими Уткир ЗИЯЕВНИ тугилган куни билан табриклаймиз ва соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, ишларида омадлар тилаймиз.

Туман ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.



ЮРТ ИШИДА ҲЕЧ ҲОРМАНГ!



қармаси бошлиғига ҳақ бўлган йўлни босиб ўтди.

Раҳбарият унга қайси ишни ишониб топширган бўлса, ҳар доим уни ишонч билан уддалади. Турли йиллар давомида ҳужалик бўлими автоҳужалигида, Тошкент шаҳар ИИББ Ҳужалик бўлимида хизмат қилди. Милиция полковниги Ю. Мақсудхўжаев ҳозир пойтахт ИИББ Ҳужалик бўлими бошлиғи. От урнини той босади деганларидек, унинг ишини ўгли Рустамбек давом эттириш ниятида. Айна пайтда у ИИБ Академиясида таҳсил олмақда.

Салкам уттиз йил ички ишлар идораларида хизмат қилиб келган милиция полковниги Юсуф Ёдгорович Мақсудхўжаевга ишларида каттадан катта муваффақиятлар тилаб, 50 ёшлик туйлари билан чин қалбимиздан табриклаймиз, узоқ-умр, сийҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилаб қоламиз.
А. МИРЗАЕВ.

ТОНГДАГИ ҚОТИЛЛИК

Акмал Икромов туманидаги маҳаллалардан бирида содир бўлган оғир жиноят милиция ходимларини оёққа тургазди. Тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб борганда хонадон дарвозаси, унга тўташ девор ва ердаги қон излари кўзга ташланарди. Жабрланувчининг 23 жойига пичоқда тан жароҳати етказилгани учун у касалхонага етиб бормай, ёруғ дунёдан кўз юмган эди.

1-шаҳар милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Раҳматулла Шукуров:

— Хабарни олишимиз билан воқеа жойига бордик, — деди у. — Оила

аъзолари мотамда. Энди 30 ёшга кирган ўғилдан ажралиш ота-она учун оғир. Уларни суҳбатга тортиб, қотил туғрисида маълумот олишга эришдик. Келиннинг айтишича, эрини кеч соат 21ларда Баҳром исмли киши келиб сўраган. Қотил ҳақида бошқа нарса билолмадик. Аммо жиноятқидирув бўлинмаси тезкор вакили, милиция капитани Қодиржон Кузиев, ҳудуд катта вакили, милиция капитани Рустам Татиев ва бошқа ходимларимизнинг фидойилиги туфайли жиноятчини қўлга олишга муваффақ бўлдик.

Воқеа бундай бўлганди. Содиқ (исми узгартириб берилмоқда). Баҳром билан «Отчопар» бозорида та-

нишиб қолади. Бир-икки ҳамкорлик қилиб, ул-бул сотиб фойда қўришади. Орадан маълум вақт ўтгач, Содиқ «айлантириб» туриш учун Баҳромдан 3 миллион сўм пул сўрайди. Баҳром қайтариш шарт билан пулни беради. Содиқ кўшни вилоятлардан мол олиб келиб, фойда қўради. Бироқ қарзни вақтида узишни уйламайди. Баҳром бу ҳақда бир неча бор эслатади. Аммо ундан тайинли жавоб бўлавермайди. Баҳром уша куни ҳам қарзини сўрайди. Яна жавоб бўлмайди. Оқибатда юқоридаги қотиллик келиб чиқади.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.


ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани ИИБ томонидан **Ҳабибулла Алимович Исоқов** қидирилмоқда. У 1956 йилда туғилган, Литва кўчаси, 56-уйда яшаган. 1996 йил октябрь ойида уйдан чиқиб кетганча қатиб келмаган.

Белгилари: баланд бўйли, гавдаси тўладан келган, юзи чўзинчоқ сочи қора, оқ оралаган, пешонаси баланд, бошининг пешона қисмининг баъзи жойларида сочи йўқ, қошлари туғри сийрак, бурни катта.

Алоҳида белгилари: чап қўлидаги катта бармоғининг тирноғида ортиги бор, чап ва ўнг томонидаги тишлари сариқ металлдан қопланган.

Кийимлари: эғнида қора чарм камзул, пахтали кўйлак, қора жинси шим, оёғида қора туфли бўлган.



Ҳабибулла Исоқов туғрисидаги маълумотларни Мирзо Улугбек тумани ИИБга 67-72-75, 67-33-50, 67-33-62, 67-47-07 ёки 02 телефонлари орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани ИИБ томонидан **Сарвар Садриевич Нигматжонов** қидирилмоқда. У 1924 йилда туғилган, Тошкент шаҳри, Калинин кўчаси, 62-уйда яшаган. 1996 йил 12 август куни уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи тахминан 160 см. атрофида, гавдаси уртача, юзи чўзиқ, сочи оқарган, қоши ёйсимон, сийрак.

Алоҳида белгилари: чап кўзининг остида холи бор, ўнг кўлининг ўрта бармоғи бироз қийшиқ ўнг қўлига «юракни тешиб утган ёй» татуировка қилиб туширилган, қорнида ошқозон ва кўричак жарроҳлигидан қолган чандиқ изи бор.

Кийимлари: эғнига қизил-жигарранг энги калта кўйлак, кулранг шим, оёғига қора пайпоқ, жигарранг шиппак кийган.

Сарвар Нигматжоновни кўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлганлардан Мирзо Улугбек тумани ИИБга 67-33-50, 67-33-62, 67-72-75, 67-47-07 ёки 02 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.



ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Олов - тилсиз ёв

Халқимизда «ўт балосидан асрасин», деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Зеро, ёнгин туфайли оила-ларимизга етказилаётган зарар ҳаммамизга маълум.

Шу йилнинг утган уч ойи мобайнида туманимизда 68та ёнгин қайд этилиб, 649773 сўм моддий зарар қўрилди. Руй берган ҳодисалар пайтида бир киши ҳалок бўлган, икки киши эса тан жароҳати олган.

Хўш, аҳоли уртасида ҳар қанча тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, бундай кўнгилсиз воқеалар нега руй бермоқда? Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда хонадонларда маст ҳолда урин-тушакда папирос чекиш ва унинг қолдигини дуч келган жойга ташлаш, болаларнинг қаровсиз қолиб, гугурт уйнаши, газли ва электр иситиш асбобларидан фойдаланганда оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик

оқибатида содир этилаётгани.

Бир неча мисол келтирмоқчиман. 7 март куни Сайрам кўчаси, 20-уй, 4-хонадонда ёш болалар гугурт уйнаб уйнинг бир қисмини ёқиб юборишди. 9 март куни тумандаги Иссиқ сув кўчаси, 11-уйдаги газ печининг носозлигидан ёнгин келиб чиқиб, томнинг 20 кв. метр юзаси ёниб кетди. 10 март куни Амударё кўчаси, 9-уйда электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнгин содир бўлиб, томнинг 60 кв. метр юзаси ва уй жиҳозлари ёнган. Қурилган чора-тадбирлар туфайли ёнгинлар ўз вақтида бартараф этилиб, катта миқдорда зарар қўрилишининг олди олинди.

Ҳозир баҳор фасли бўлгани учун кўп жойларда ҳамшаҳарларимиз қуриган шох-шаббалар, чиқиндиларни ёқмоқдалар. Шу боис ҳам ёнгинлар сони ортиб бораёпти.

Ёнгиннинг олдини олиш учун фуқароларимиз мутахассислар маслаҳатига

қатъий амал қилишлари зарур. Айниқса иситкич печлари, газ плиталари, электр-асбоб ускуналаридан фойдаланганда эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Ёқилган ўчоқларни назоратсиз қолдирманг. Чордоқларда турли хил ёнадиган буюмлар ва хўжалик моллари сақлаш тақиқланади. Бензин, керосин, бўёқ каби тез алангаланувчан моддаларни махсус идишларда ва алоҳида жойларда сақланишига эътибор беринг. Олов ва кул учун махсус жой тайёрланг.

Шуни унутмаслик керакки, юқорида айтилганларга эътибор бермаслик, айниқса, лоқайдлик хонадонга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтириши мумкин.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ИИБ ЁСБ ходими, ички хизмат лейтенанти.

«01» ХАБАРЛАРИ

Наманган шаҳар Уйчи 9-берк кўча 1-уйда яшовчи Л.Усмонов газдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлигига риоя қилмагани оқибатида юзи, бўйни ва кўли куйиб, тан жароҳати олган.

Наманган шаҳар Садовая кўчаси 4-уйда истиқомат қилувчи А.Эгамбердиев ҳам газ алангасидан кўли куйган.

Гурлан тумани «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалигида яшовчи Х.Абдуллаев хонадонда ёш болаларни олов билан уйнашидан ёнгин содир бўлиб, моляна томи, бостирма хашак ва ёғоч материаллари ёниб, қўшнилари М.Усмонов, О.Мадаминов ва Ж.Бобононовлар мол-

хонасига утган.

Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси, 3-уй, 7-хонада яшовчи А.Михайлов газ плитасидан фойдаланишда эҳтиётсизлик қилгани оқибатида юзи куйган.

Конимех тумани, Қурол қишлоғида яшовчи М.Шукурова тандирга ўт ёқишда эҳтиётсизлиги оқибатида 1-даражали куйиш тан жароҳати олган.

Андижон шаҳар, А.Мусаев кўча, 58б-уйда яшовчи М.Ҳайдаровлар хонадонда иситиш печи қизишидан ёнгин содир бўлиб уйнинг томи, шифти ва уй жиҳозлари ёниб, офат қўшнилари Б.Шамсиддинов ошхонасининг томи, уй жиҳозлари, Г. Холботирова ошхонасининг томини ён-

дириб юборган.

Электр симининг қисқа туташуви оқибатида содир бўлган ёнгиндан Денов тумани И.Тўраева номли жамоа хўжалиги Қорахон участкасида яшовчи М.Пирматов уйнинг шифти ва томи ёниб, уй эгасига 80 минг сўмлик моддий зарар етказган.

Хўжаобод тумани, А.Қаҳҳор номли жамоа хўжалиги Р.Қобулов кўчасида яшовчи З.Патаев соляркани бошқа идишга бўшатиб, идишга гугурт ёқиб қуради оқибатда аланга чиқиб юзи куйиб, тан жароҳати олган.

Ф.БОБОХЎЖАЕВ, ички хизмат капитани.

...Муҳаббат мактабдан келди-ю, ҳовлида қор тозалаб юрган онасига нолинди:

— Қачонгача, шу эски пальтода юраман? Эртага дугонанинг туғилган кунига ҳам шундай бораманми?

Кизининг хархашаларига кўникиб кетган онаси, қорқуракни қўлидан куйиб:

— Кириб овқатланиб ол! Даданг ишдан келсинлар, маслаҳатлашиб кўрамиз, — деди.

— Ҳар куни шу гап. Даданг ишдан келгач, улар ҳам мингирлайдилар, хўжаликка у керак, бу керак деб. Ун, ёгдан бошқа кийим-кечакни ҳам уйлаш керак-ку! — зарда қилди Муҳаббат.

— Узинг биласан, оилада дадангнинг бир узлари ишлайдилар! Бу ёқда кўпчиликми, топганлари еб-ичишга етганига ҳам шукр қил. Кийимни ямаб кийса бўлади, лекин томоқни ямаб бўлмайди, кизим. Буни ҳеч қачон ёдингдан чиқарма! — деди онаси насиҳат қилиб.

— Пальто олиб бермасаларинг узларингдан кўринглар! — деб китоб тула сумкасини қор уюмига отдиди, ҳовлини тарк этди киз... Онаси орқасидан ҳай-ҳайлаганича

қолаверди...

Муҳаббат катта йўлга чиқиб, қаёққа кетишни билмай уйланиб қолди. Бир-икки машина сигнални қаттиқроқ бериб ўтди. «Тико» эса шундоқ ёнида тўхтаб, чиройли мўйлов куйган, башанг кийинган йигит уни

машинага таклиф қилди. Муҳаббат қўрққанидан бекат томон югурди. Унинг ҳаракатларини боядан бери кузатиб ўтирган қирқ ёшлардаги аёл Муҳаббатга гап отди:

— Шундоқ йигит, шундоқ машинада келиб, илтифот қилганида қочадими?

— Мен ҳеч қаерга кетмоқчи эмасман, — деди Муҳаббат энсаси қотиб.

— Унда нега йўлга чиқдинг? — сўради аёл.

— Пальто устида ота-онам билан уришдим. Мени излаб бир овора бўлишсин дедим-да, — сирин ошқор қилди содда киз.

Аёл «туғри қилибсан» деб уни оҳиста аврай бош-

лади. Эри автомобиль ҳалокатига учраб ўлганлигини, болаларини боқолмай қийналиб, тижорат билан шуғулланаётганини, болаларига қарайдиган киз излаётганини айтиб, болаларига қараб турса бир ҳафтага Россияга боришини, у

ердан ажойиб пальто олиб келишини ва яна уйга ташлаб кетишини ваъда қилди.

Улар анча вақт гаплашиб ўтиришди. Аста-секин тушаётган қоронғилик пардасини йиртиб, аёл кутаётган автобуснинг чироқлари кўринди. Муҳаббат уйига қайтса бўларди, лекин у кузига қўриган сароб томон интилди. Бегубор болаларини утган муқаддас даргоҳда табаррук ота-онаси эшикка термулганларича қолавердилар.

Узини Хонагул деб таништираган аёл уйга келгач, дарров телефонга ёпишди. Муҳаббатга телевизор куйиб бериб, овқатга уннай бошлади. Бироз вақт-

дан кейин эшик кўнгириги жириглади. Аёл эшикни очиб, узи тенги одамни бошлаб келди. Эракнинг икки қўлидаги қоғоз халталар лиқ тўла эди. Бир зумда гариб дастурхон «очил дастурхон»га айланди.

— «Оху»ни қаердан топ-

ичириб ўтирди. Олдинига ҳаёсиз кино куйилганда ерга қараб, уялиб ўтирган киз энди очилиб ўтира бошлади. Ҳатто гапга чечан ҳам бўлиб кетди. Наҳоят аёлнинг имо-ишорасидан кейин эрак, узук-юлуқ гапирётган Муҳаббатни кўтар-

САРОБГА ИНТИЛГАН ҚИЗ

динг? Ҳеч қўлга тушмаган кўринадди, — деб эрак ошхонада юрган аёлга гап отди.

— Битта пати ҳам тўкилмаган. «Якан» ҳам шунга яраша бўлади. — деди куйиб.

— Мен пулни аямайман, — деди эрак ҳам беўхшов куйиб.

— Шунинг учун ҳам сизни чақирдим-да. — Аёл муғомбирона табассум қилди. Иккаласи Муҳаббат ўтирган хонага киришди, зиёфат бошланди.

Эрак арокдан Муҳаббатга ҳам қўймоқчи бўлди. Аёл биз «кока-кола» ичамиз деб кўзини қисди ва ҳар гал арок, вино, аралашган «кока-кола»ни кизга

ганча ётоққа кириб кетди...

Ҳар бир нарсанинг чегараси бўлганидек, тун ҳам ўз хизматини адо этиб, урнини кунга бўшатиб берганида, киз ўрнидан туриш-турмаслигини билмай изтиробга тўла кўксини чангаллаганича тўшақда юзтубан ётарди. Номус улимдан ёмон, орқага қайтишга йўл йўқ. Дайди ҳаёллар қатъий қарор қаршида тўхташди.

Муҳаббат уша куни узининг қанча пулга сотилганини билмайди. Лекин кейинчалик у тан бозорининг етук олгирига айланди. Муҳаббат ўзи орзу қилган пальтосини ҳам, бошқа барча турдаги кийимлар-

Дарз

ни ҳам кийди. Тақинчоқларнинг ҳар хилидан тақди. Барибир, бу шоҳона ҳаёт унинг кўзини қувонтирмади, қалбини юмшатмади. Чунки у асл ҳаётнинг шодликларидан, оқ ҳарир кўйлак кийиб, «туйлар муборак» садоси остида яна битта муқаддас даргоҳга кириб боришдан бир умр бебахра қолди.

Беруний тумани ИИБ ходимлари томонидан «Орият» тадбири утказилиб, текширилганида, ўз танини пулга сотиб юрган Муқаддас Бобононова, Раъно Камолова, Ойгул Латипова ҳамда Муҳаббат Омонвалар куйилди. Уй соҳибига — илгари икки марта судланган Хонагул Холманова яна ҳибсга олинди, туман суди томонидан учинчи марта беш йилга сим ортига юборилди.

Шунингдек, тадбир давомида 1970 йилда туғилган Л. Авезова ҳам қўшмачилик қилганлиги учун жиноий иш қўзғатилиб, озодликдан маҳрум қилинди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ, Қорақалпоғистон.

**Ольга
Никитична
ЦИБУЛЬСКАЯ**



Тошкент шаҳар ИИББ милиция санитария нazorати буйича булинма сардори, милиция старшинаси Ольга Никитична Цибульская 51 ёшида тўсатдан вафот этди.

Унинг бутун ҳаёти ички ишлар идоралари билан боғланган эди. 1969 йилда милицияда иш фаолиятини котибаликдан бошлади. Бир мунча вақт ҳисобга олиш буйича нозир бўлиб ишлади. 1976 йилдан бери у Тошкент шаҳрининг бир қатор туманларидаги милиция санитария бўлинмаларида милиционер сифатида хизмат қилди.

1991 йилдан умрининг охиригача Тошкент шаҳар ИИББ милиция санитария нazorати буйича булинма сардори бўлиб ишлади.

О.Н. Цибульская ишига катта масъулият билан муносабатда бўлди. Уз билим ва тажрибасини ошириш йўлида тинмай изланди. Тошкент махсус милиция мактабини сиртдан тамомлади.

Хизматдошларига ишдаги билим ва тажрибаларини доимо ургатиб келди. У яхши сардор бўлиш билан бирга узига талабчан эди, хизматда қўл остидагиларга намуна ва уртак курсатарди.

Ольга Никитична Цибульскаянинг ёрқин хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Тошкент шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

ҚҲЙ (21 март — 20 апрель)

Ҳафтанинг бошида молиявий аҳолигини яхшилаб оласиз. Чоршанба кунни саломатлигиниз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин. Барча жиҳатдан муваффақиятли кун пайшанбадир. Дам олиш кунлари сизга яқин бўлган кишилар билан келишмовчилик келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

СИГИР (21 апрель — 21 май)

Душанба кунни қувончли хабар эшитасиз. Сешанба янги режаларни амалга ошириш учун қўлай кун эмас. Бунинг учун пайшанбани танланг. Ҳафтанинг охирида мумайгина даромад ишлаб олиш имконияти пайдо бўлади.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)

Ушбу ҳафта давомида барча уйлаган нарсаларингиз муваффақиятли амалга ошади. Чоршанба кунни ишингиз юзасидан бўладиган музокара кунгилдагидек ўтади. Пайшанба — юрак тўғёнлари жунбушга келадиган кундир. Жума кунни ҳамёнингизга пул тушади. Шанба ва якшанба кунлари ижод билан шуғулланиш учун қўлайдир.

ҚИСКИЧБАКА (22 июнь — 23 июль)

Ҳафтанинг бошида кайфиятингиз бироз тушиб

кетеди. Пайшанба кунни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Жума кунни қизиқарли ва кўнгилли янгиликлардан хабар топасиз. Якшанба кунни эса ажойиб учрашув кутилмоқда.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)

Сешанба кунни олисдаги қариндошингиз узидан хабар беради. Чоршанба ва жума кунлари бухгалтерияга учрашишни маслаҳат берамиз, ниҳоят бир қанча вақт илгари ишлаб топган пулингизни оласиз. Дам олиш кунлари керакли одам билан учрашув кутилмоқда.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)

Ушбу ҳафтадаги муваффақиятли кунлар душанба ва жума кунлари муҳаббат бобидан, ишда ва одамлар билан мулоқотда омад сизга қулиб боқади. Сешанба кунни кўнгилсизлик келтирувчи келишмовчилик юз бериши эҳтимоли бор. Эҳтиёт бўлинг.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)

Душанба кунни дўстларингиздан хабар кутинг. Сешанба кунни сизнинг тақдирингиз

Мунажжимлар башорат қилади

27 АПРЕЛЬ — 3 МАЙ УЧУН

га бефарқ бўлмаган инсон билан учрашасиз. Пайшанба кунни яхши харид қиласиз. Шанба кунни спорт билан шуғулланишингиз бир олам қувонч келтиради.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)

Ушбу ҳафта иш ва ташвишлар билан ўтади. Дам олиш кунлари пул ишлаб олиш имконияти бор. Мабодро рад этиб, афсусланиб қолманг. Жума кунни вақт ажратиб севган кишингиз билан учрашишни маслаҳат берамиз.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)

Сешанба кунни узингизга қийин туюлган ишларга бемалол киришаверинг, омад сиз томонда. Жума кунни ҳамёнингизга пул тушади. Шанба — муваффақиятсиз кундир. Аммо бир инсон билан якшанба кунни учрашувдан сунинг яна кайфиятингиз кутарилади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)

Душанба кунни ишжонангизда сиз учун кўнгилсизлик кутилмоқда. Бироқ чоршан

ба кунни раҳбарлар ва ҳамкасбларингиз ижодий қобилиятингизга муносиб баҳо беришади. Дам олиш кунлари соғлигингизни эҳтиёт қилинг.


ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)

Ҳафтанинг дастлабки кунни тақдирингиз сиз учун бефарқ бўлмаган кишидан хушxabар эшитасиз. Иш юзасидан олиб борилаётган музокаралар чоршанба кунни муваффақиятли яқунланади. Молиявий аҳолигини жума кунни яхшилаб оласиз. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида утқишнинг маслаҳат берамиз.

БАЛИК (20 февраль — 20 март)

Сешанба кунни ойлик маошингиз ошиши кутилмоқда. Чоршанба кунни сизга катта фойда келтирувчи янги режалар белгилашда қатнашишни таклиф этишади. Шанба кунни кўнгилсиз хабар эшитасиз. Якшанба кунни гаройиб саргузаштнинг гувоҳи бўлишингиз эҳтимолдан холи эмас.

КРОССВОРД



Азиз муштарий!
Жавобларни шаклдаги рақамли хонадан ёй буйига марказ томон ёзинг.

1. Инсоний фазилат. 2. Афғонистонда

ги шаҳар номи билан бошланувчи, меваси оқ, ширин уруғсиз тут нави. 3. Халқ дostonларини куйловчи ижодкор. 4. Ўғилнинг умр йўлдоши. 5. Суз уста

лари баҳси. 6. Ўзбекистондаги вилоят маркази. 7. Майда пул. 8. Кишиларга ўғит буладиган, кичик мажозий ҳикоя. 9. Инсон ёки бирор ижтимоий гуруҳнинг жамиятда тутган урни, даражаси. 10. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. 11. Газламага тикиб туширилган безак. 12. Дурдгорлик асбоби. 13. Ҳиндистонда таваллуд топиб ижод этган шарқ халқларининг мумтоз мутафаккир шоири, «Ирфон» фалсафий асари муаллифи. 14. Ип ёки ипақларни кесиш

тириб гул тикиш усули. 15. Узум нави. 16. Миллий таом. 17. Қамишдан тўқилган тушама. 18. Никоҳ тўйида куёв томонидан бажариладиган таомилардан бири. 19. Му саввирлик ашёси, бўёқ тури.

Энди шаклнинг айланаларига ёзилган ҳарфларни соат мили йўналишида ўқинг, ундан Луқмони Ҳакимнинг азиз фарзандига қилган юз насихатидан бирини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Газетанинг аввалги сонидан эълон қилинган чайнворднинг жавоблари:

1. Ака. 2. Ари. 3. Илм. 4. Мум. 5. Мих. 6. Хум. 7. Мот. 8. Тут. 9. Ток. 10. Қон. 11. Ном. 12. Мис. 13. Сим. 14. Муз. 15. Зар. 16. Рух. 17. Ҳал. 18. Лок. 19. Код. 20. Дон. 21. Нон. 22. Нок. 23. Кио. 24. Она.

Мақол: Маслаҳат — зардан қиммат.

**Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
“Ўзбекнаво”**

**гастрол-концерт бирлашмаси
А. Навоий номидаги “Санъат саройи”да
(Панорама) 6, 7, 8, 9 май кунлари соат 18.00да
КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ**

намоён этилади

Дастурда

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар

**Мирзабек
ХОЛМЕДОВ
“Мирзо”**

қизиқчилар театри

**Обид
АСОМОВ
“Обид-А”**

қизиқчилар театри

Хушовоз эстрада хонандаси

Мухриддин ХОЛИҚОВ

ҳамда хонандалар

Алтиазар ШОНАЗАРОВ, Зокиржон ТҮЙЧИЕВ иштирок этадилар.
Ансамблининг бадвий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Исмонжон ҒУЛОМОВ Дастурни Равшан ЖҮРАЕВ олиб боради.

Чипталар “Санъат саройи” кассаларида сотилмоқда.

Мурожаат учун телефонлар:

41-04-90, 133-65-63, 139-71-24, 144-51-60.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

«КАМОЛОТ КОМПҲУТЕР» БИЗНЕС - МАКТАБИ

•инглиз тили;
•инглиз тили ва компьютер билимлари;
•банк иши, молия ва кредитлар.

уч ойлик курслар:

•ҳисобчилар компьютер таълими билан бирга;
•дастурлаштириш тиллари;
•болалар учун инглиз тили;

икки ойлик курслар:

•замонавий бухгалтерия ҳисоби;
•маркетинг ва макроиктисодий асослари;
•компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS 95, MS OFFICE 95);
•электрон почта.

АБИТУРИЕНТ-98

(тестлар буйича)
•математика, •инглиз тили, •физика.
•ўзбек тили, •тарих;

бир ойлик курслар:

•1С: бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими.

Курсларни тугатгандан сўнг уч тилдаги диплом берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий-11, 39-хона («Камолот» республика ешлар жамғармаси биноси).
ТЕЛ.: 41-59-74.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ тезкор алоқа бўлими жамоаси бўлим муҳандиси
Нигмонхўжа БАХОДИРХЎЖАЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан
марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Зангиота тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби
туман ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмаси бошлиғи,
милиция майори Жаббор Юсуповга онаси
Ҳакима ЮСУПОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

**«ПОСТДА»
«НА ПОСТУ»**

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,

Тошкент,

Юнус Ражабий

кучаси, 1

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

**Муҳаррир
З. АТАЕВ.**

**Таҳрир хайъати:
З. Алматов
К. Бурхонов
А. Жўраев
У. Жўраев
Н. Исмоилов
Ш. Мавлянов
Б. Матлобов
Ф. Раҳимов
Э. Сатторов
(муҳаррир ўринбосари в.б.)**

**Навбатчи:
С. Шодиев
Мусахҳижлар:
Н. Султонова
Г. Холикова
Саҳифаловчи
М. Насретдинова**

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 139-70-40,
(088) 25-25 муҳаррир ўринбосари —
139-77-23, масъул котиб —
139-77-23, муҳбирлар бўлими 139-75-69.

Факс: 54-37-91.
Газета тарқатиш масалалари буйича муурожаат учун: тел.: 139-70-40, факс: 54-37-91, пейжер: (088) 36-97.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб — касса марказида: 21506000200447980001, МФО 00014.

• Кучириб босишда «Поста»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

• Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

• Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

• Кўлөзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Руйхатдан ўтиш тартиби №000021.
Буюртма Г — 011145
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 18.00.

Обуна рақами — 180.

113840
нусхада чоп этилди

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кучаси, 41-уй.

1,2,3,4,5,6.